



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - январ

135k -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Қиличов Бобохон Ҳайитбаевичга Боғот тумани “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фуқаро Қиличов Бобохон Ҳайитбаевичнинг “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 2 декабрдаги ХО-Қ-3403-сонли аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фуқаро Қиличов Бобохон Ҳайитбаевичга “Усталар” маҳалласи ҳудудига (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Қиличов Бобохон Ҳайитбаевични “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Қиличов Бобохон Ҳайитбаевич “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,8x6,0) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев